"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Қўқон "Мурувват" НБШУЭИУ
директори
_____ Б.Джумабаев

# Қукон "Мурувват" ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйига 2022-2023 йиллар қиш-куз мавсумига Сабзи сотиб олиш бўйича энг яхши таклиф

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қўқон -2022



Scanned by TapScanner

**Мундарижа:**


1. Танлов иштирокчиси учун умумий йўрикнома
2. Танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъекларидан танлов учун талаблар
3. Бахолаш мезонлари бўйича маълумот
4. Махсулот микдори ва нархи бўйича маълумот


## I ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН УМУМИЙ ЙЎРИКНОМА

## ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети: "Мурувват" уйига захирага Сабзи сотиб олиш бўйича танлов ўтказиш
1.2. Танлов қиймати : **15 400 000 сўм**
1.3. Махсулот бўйича сифатлилиги танлов хужжатларида илова килинган.
Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
1.4. Махсулот етказиб бериш муддати-аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб 10 календар иш куи хисобланади.

## ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қукон "Мурувват" ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
"Буюртмачи" манзили:. Қўкон Мурувват уйи Қўкон шахар Мукумий 52 уй
2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
2.3. Танлов Қукон "Мурувват" ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:
-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахассисларининг мавжудлиги;
-шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;
-танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўгрисидаги маълумотлар;
-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларининг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
- Низом маблаги микдори.
3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштиришни зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
-мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришлари лозим.

4.2.



Scanned by TapScanner

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
- Техник қисм. "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми. Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.
4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:
- Техник таклиф. Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);
4.5. Танлов иштирокчиси:
-фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачиси, агар мазкур Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.
7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон тарзда имзоланади.
7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади



Scanned by TapScanner

## 2. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИДАН ТАНЛОВ УЧУН ТАЛАБЛАР:

1. Тадбиркорлик субъектининг (кейинги ўринларда корхона) Низоми ва гувохнома нусхаси.
2. Корхона рахбарининг шахсини тасдикловчи хужжат нусхаси.
3. Молиявий ахволи баркарорлиги, солик ва бошка мажбурий тўловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги;
4. Давлат солик идораларига топширган охирги 1 йиллик хисоботлари нусхалари.
5. Берилган таклифларда корхонанинг тўлик юридик манзили, банк реквизитлари телефонлари ракамлари кўрсатилган бўлиши керак.
6. Давлат солик идораларидан карздорлик йўклиги тўгрисида маълумотнома.

## 3. БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

| № | Малака талаблари | Бахолаш | Изох |
|---|---|---|---|
| 1. | Банк маълумотномаси | 10 балл | Сўралган маълумот таклим килинмаса 0 балл бахоланади |
| 2. | Молиявий ахволи баркарорлиги, солик ва бошка мажбурий тўловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги | 10 балл | Сўралган маълумот таклим килинмаса 0 балл бахоланади |
| 3. | Сабзи махсулотига мувофиклик сертификат нусхаси | 10 балл | Сўралган маълумот таклим килинмаса 0 балл бахоланади |
| 4. | Сабзи махсулотини ўз вактида етказиб бериш бўйича кафолат хати | 10 балл | Сўралган маълумот таклим килинмаса 0 балл бахоланади |
| 5. | Сабзи сифати кафолат хати булиши шарт | 10 балл | Сўралган маълумот таклим килинмаса 0 балл бахоланади |

## 4. "Мурувват" уйига сотиб олинадиган Сабзи микдори ва нархи

| № | махсулот номи | Ўл.бир | Сони | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Сабзи | кг | 4 400 | 3500 | 15 400 000 |



Scanned by TapScanner